

Абдул Азим ЗИЁУДДИН

# Исломда ўлчов бирликлари

[www.islom.uz](http://www.islom.uz)

## **Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**

Бугунги замон тараққиётининг негизида, сўзсиз, ўтмишнинг илмий салоҳияти ётибди. Агар ота-боболаримиз меросини изчил ўрганадиган бўлсак, Аллоҳ таоло уларга ҳозиргилардан кўра кўпроқ илм юқтирганини кўрамыз. Бугун биз учун оддий кўринган нарсалар, аслида, қадимнинг катта тадқиқот ва тажрибалари хулосасидир. Қўлингиздаги ушбу мўъжаз китобчада тақдим этилаётган маълумотлар ҳам қадимгиларнинг ҳар бир соҳада чуқур тадқиқотларга асосланиб иш юритганларига бир далилдир. Айниқса, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам мусулмон ўлкаларида ўлчовлар масаласида юзаки хулосаларга таяниб иш кўриш тасаввурга сиғмаган ҳолдир. Чунки ўлчовда озгина адашилса, кимнингдир ҳақиқага хиёнат, қайсидир томонга зулм бўлиб қолиши мумкин. Бу нарса эса, мусулмонлар ҳазар қиладиган ва қаттиқ эҳтиёт бўладиган нарсасидир. Тўғри, бугунги кунда бу ўлчовларнинг деярли барчасининг номлари ва нисбатлари ўзгариб кетган, уларнинг ўрнига грам, кило, тонна, литр, метр каби ўлчовлар истеъмолда. Аммо уларни, керак эмас, деб бутунлай эътиборсиз қолдириш ҳам нотўғри, чунки тарихсиз яшаш келажакни пойдеворсиз қуришдек гап. Қолаверса, бу ўлчовларга фикҳ китобларимизда, тарихий ҳикояларда бот-бот дуч келамиз. Ҳатто, баъзи ишларни улар асосида амалга оширишга мажбур ҳам бўламиз. Айнан қўлингиздаги ушбу китобча зарурат туғилганда, ишни осонлаштиради, масалан, закот, фитр садақаси, ушр бериш масаласидаги, сафарга чиққан одамнинг қанча масофада мусофирга айланиши ҳақидаги маълумотлари билан бугун тарихий ўлчовларнинг ҳақиқатига амал қилишни енгиллаштиради. Шундай экан, рисола соҳибининг меҳнатларини эътироф этмоқ лозим. Хато ва камчиликлари ҳақидаги мулоҳазаларингизни эса, бажонудил қабул қиламиз.

*Муҳаррир*

## УЗУНЛИК ЎЛЧОВЛАРИ

- Исбаъ** (الْبَصْبَعُ) (ўрта қоматли одам бармоғининг қалинлиги) = **1,925 см** ( $\approx 2 \text{ см}^1$ ).
- Қабза** (الْقَبْضَةُ) (ўрта қоматли одам қўлини мушт қилганида 4 бармоқ қалинлиги) = **7,7 см** (= 4 исбаъ).
- Шибр**<sup>2</sup> (الشَّيْبَرُ) (қарич) = **23,1 см** (= 0,5 Миср зироъи = 3 қабза = 12 исбаъ).
- Қадам**<sup>3</sup> (الْقَدَمُ) (фут) = **шибр**.
- Зироъ**<sup>4</sup> (الذَّرَاعُ الْمِصْرِيُّ الْعَتِيقُ) (қадимги Миср ўлчовида<sup>5</sup>) = **46,2 см** (= 2 шибр<sup>6</sup> = 6 қабза = 24 исбаъ).
- Хутва** (хатва) (الْحَطْوَةُ) (ўрта бўйли одамнинг ўртача ташлаган бир қадами) = **зироъ**<sup>7</sup> (Миср ўлчовида).
- Зироъ** (газ, аршин) (الذَّرَاعُ الْهَاشِمِيُّ) (хошимий ўлчов<sup>8</sup>) = **61,6 см** (= 8 қабза = 32 исбаъ).
- Ярд** (الْيَارْدُ الْحَالِيُّ) (хозирги ўлчовлардан) = **91,43 см** ( $\approx 91,5 \text{ см}$ ).
- Боъ** (الْبَاعُ) (саржин) = **184,8 см** (= 3 хошимий зироъ = 4 Миср зироъи = ўртача ташланган 4 қадам = 8 шибр = 24 қабза = 96 исбаъ).
- Қасаба** (الْقَسَبَةُ) = **369,6 см**  $\approx 3,70 \text{ м}$  (= 2 боъ = 6 хошимий зироъ = 8 Миср зироъи = ўртача ташланган 8 қадам = 16 шибр = 48 қабза).
- Ашийр** (الْعَشِيرُ) = **22,176 м** (= 6 қасаба = 12 боъ = 36 хошимий зироъ = 48 Миср зироъи = ўртача ташланган 48 қадам = 96 шибр).
- Ғалва** (غَلْوَةٌ سَهْمٌ) (ўртача камон ўқи масофаси) = **184,80 м** (= 50 қасаба = 100 боъ = 300 хошимий зироъ = 400 Миср зироъи = ўртача ташланган 400 қадам).
- Қафийз** (الْقَفِيْزُ فِي الْأَطْوَالِ) (узунлик ўлчовида) = **221,76 м** (= 1,2 ғалва = 60 қасаба = 120 боъ = 360 хошимий зироъ = 480 Миср зироъи = ўртача ташланган 480 қадам).
- Мил** (الْمِيلُ) = **1848 м** (= 10 ғалва = 500 қасаба = 1000 боъ = 3000 хошимий зироъ = 4000 Миср зироъи = ўртача ташланган 4000 қадам = ўртача тезликда яёв юрилганда, 30 дақиқада босиб ўтилган масофа).

<sup>1</sup> Такрибан, маъносида.

<sup>2</sup> Ўрта бўйли одамнинг ўртача очилган бир қаричи.

<sup>3</sup> “Қадам” деганда, арабларда оёқнинг тўпиғидан пастки қисми тушунилади. Узунлик ўлчовида эса, ўрта бўйли одам оёғининг товонидан то оёқ бармоқларигача бўлган узунлиги олинган.

<sup>4</sup> Ўрта бўйли одам қўлининг тирсагидан то бармоқлари учигача бўлган узунлиги.

<sup>5</sup> Қадимги Миср зироъи ҳар хил номланган: “Кичик зироъ”, “Омма зироъи”, “Қиёс зироъи”, “Қўл зироъи”, “Одам зироъи” ва “Тўғри зироъ”.

<sup>6</sup> Демак, ҳар бир инсоннинг зироъи ўзининг икки қаричига тенг экан.

<sup>7</sup> Демак, ҳар бир инсоннинг ўртача ташлаган қадами ўзининг зироъига тенг экан.

<sup>8</sup> Фикҳда тилга олинадиган зироъ мана шу хошимий зироъдир.

**Жарийб** (الْحَرِيبُ) (узунлик ўлчовида) = **2217,60 м** (= 1,2 мил = 10 қафийз = 12 ғалва = 600 қасаба = 1200 боъ = 3600 ҳошимий зироъ = 4800 Миср зироъи = ўртача ташланган 4800 кадам).

**Фарсах** (الْفَرْسَخُ) = **5544 м** (= 2,5 жарийб = 3 мил = 30 ғалва = 1500 қасаба = 3000 боъ = 9000 ҳошимий зироъ = 12000 Миср зироъи = ўртача ташланган 12000 кадам = ўртача тезликда яёв юрилганда, 1,5 соатда босиб ўтилган масофа).

**Барийд**<sup>9</sup> (الْبَرِيدُ الْعَرَبِيُّ) (Ҳижоз ўлчов бирлиги) = **22,176 км** (= 4 фарсах = 10 жарийб = 12 мил = 100 қафийз = 120 ғалва = 6000 қасаба = 12000 боъ = 36000 ҳошимий зироъ = 48000 Миср зироъи = ўртача тезликда яёв юрилганда, 6 соатда босиб ўтилган масофа).

**Марҳала**<sup>10</sup> (الْمَرْحَلَةُ) = **44,352 км** (= 2 барийд = 8 фарсах = 20 жарийб = 24 мил = 200 қафийз = 240 ғалва = 12000 қасаба = 24000 боъ = 72000 ҳошимий зироъ = 96000 Миср зироъи = 12 соатда ўртача тезликда яёв босиб ўтилган масофа).

**Қаср масофаси** (مَسَافَةُ الْقَصْرِ لِلْمُسَافِرِ) (мусофирлар учун) = **88,704 км** ≈ 89 км (= 2 марҳала = 4 барийд = 16 фарсах = 40 жарийб = 48 мил = 400 қафийз = 480 ғалва = 24000 қасаба = 48000 боъ = 144000 ҳошимий зироъ = 192000 Миср зироъи = 24 соатда яёв босиб ўтилган масофа)<sup>11</sup>.

---

<sup>9</sup> "Барийд" арабчада "почта" дегани. Яъни, қадимда ҳам почта хизматлари бўлган. Бу қуйидагича ташкиллаштирилган: Ҳар 12 мил масофага тепалик барпо қилинган. Ҳар бир тепаликда чопарлар чопқир отлари билан ҳозир турган. Улар учун уй, отхоналар қурилган. Муҳим хабар маълум бир жойга тезлик ила етказилиши керак бўлганда, биринчи тепаликка хабар қилинган. Улар хабар топишлари билан иккинчи тепаликдагиларни огоҳлантириш мақсадида гулхан ёқиб, тутун чиқазишган. Тутунни кўрган иккинчи тепаликдагилар эса, учинчи тепаликдагиларни хабардор қилиш учун олов ёқиш билан бирга, чопар отини эгарлаб, тайёргарлик кўриб туришган. Бир-биридан мактубни олишгач, дарҳол йўлга тушишган. Мана шундай услуб билан хабар керакли жойга тезлик ила етказилган. Икки почтахона орасидаги масофага "барийд" дейилган.

<sup>10</sup> Икки манзил орасидаги масофа: карвон куёш чикқандан сўнг, бир манзилдан жўнаб, кундузи йўл юриб, заруратлар учунгина тўхтаб, яна юриб, сўнг куёш ботганда ухлаб дам олиш учун иккинчи бир манзилда тўхтади. Ана шу икки манзил ораси бир марҳала, дейилган.

<sup>11</sup> Бу ҳисоб жумҳур уламолар (Моликий, Шофеъий ва Ҳанбалий мужтаҳидлари)нинг ҳисобидир. Ҳанафий уламолари 86 км (баъзилари 83 км, яна баъзилари 96 км) деб белгилашган. Шайх Муҳаммад Содик ҳазратлари жумҳур уламоларнинг мазкур ҳисобларини тасдиқлаб, қуйидаги ривоятни келтирадилар: "Имом Бухорий ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Аббослар 4 барийд – 16 фарсах масофадаги сафарда намозни қаср қилиб ўқир эдилар. "Барийд" масофа бирлиги бўлиб, 4 фарсахга тенгдир. Бир фарсах эса, 5544 метрдир. 4 фарсах 22176 метр бўлади. 4 барийд – 16 фарсах 88704 метр бўлади. Мазкур ривоятда намозни қаср ўқиш лозим бўлган сафар масофаси баён қилинган. Бунга кўра, 88,704 км масофага сафар қилган одам намозни қаср ўқимоғи лозим бўлади" ("Тафсири Ҳилол", Нисо сураси, 101-оят тафсиридан).

## КАЙЛ-МИКЁЛ (ҲАЖМ) ЎЛЧОВЛАРИ

(унсимон-қумсимон моддалар учун)

**Дирҳам** (الدَّرْهَمُ): Ироқий дирҳам = **3,17 гр.** Ҳижоз дирҳами = **2,975 гр** ( $\approx 3$  гр).

**Ратл** (ритл) (الرَّطْلُ) (қадок): Ироқий ратл<sup>12</sup> = **0,515625 литр** ( $\approx 0,516$  литр).

Оғирлиги = **408 гр**<sup>13</sup> (= 128,57 ироқий дирҳам).

**Мудд** (الْمُدُّ) = **0,6875 литр** ( $\approx 0,688$  литр). Оғирлиги = **544 гр** (= 0,25 соъ = 0,5 қист = 1,33 ироқий ратл = 1 катта ҳовуч миқдори).

**Манн** (الْمَنَنْ) ёки **Мано** (الْمَنَّا) (ботмон) = **1,03125 литр** ( $\approx 1,04$  литр). Оғирлиги = **816 гр** (= 2 ироқий ратл).

**Қист** (الْقِسْطُ) = **1,375 литр**. Оғирлиги = **1,088 кг** (= 0,5 соъ = 2 мудд = 2 катта ҳовуч миқдори).

**Қадах**<sup>14</sup> (الْقَدَاحُ) = қист.

**Кийлажа** (الْكَيْلَجَةُ) = **1,934 литр** ( $\approx 2$  литр). Оғирлиги = **1,530 кг**.

**Соъ**<sup>15</sup> (الصَّاعُ) = **2,750 литр**. Оғирлиги = **2,176 кг** (= 2 қист = 4 мудд = 4 катта ҳовуч миқдори = 5,33 ироқий ратл).

**Маккук** (الْمَكْكُوكُ) = **4,125 литр**. Оғирлиги = **3,264 кг** (= 1,5 соъ = 3 қист = 4 манн = 6 мудд = 6 катта ҳовуч миқдори = 8 ироқий ратл).

**Фарақ** (фарк) (الْفَرَقُ) = **8,250 литр**. Оғирлиги = **6,528 кг**. (Мисдан ясалган идиш бўлиб, ичига 2 маккук = 3 соъ = 6 қист = 8 манн = 12 мудд = 12 катта ҳовуч миқдори = 16 ироқий ратл сиғади).

**Кайла** (الْكَيْلَةُ) (ҳозирги Миср ўлчов бирлиги) (пуд ёки пут) = **16,5 литр**. Оғирлиги = **13,056 кг** (= 2 фарақ = 4 маккук = 6 соъ = 12 қист = 16 манн = 24 мудд = 24 катта ҳовуч миқдори = 32 ироқий ратл).

**Вайба** (الْوَيْبَةُ) = кайла.

**Қафийз** (الْقَفِيْزُ) (ҳажм ўлчовида) = **33 литр**. Оғирлиги = **26,112 кг** (= 4 фарақ = 8 маккук = 12 соъ = 24 қист = 32 манн = 48 мудд = 48 катта ҳовуч миқдори = 64 ироқий ратл).

**Ъарақ** (الْعَرَقُ) = **41,250 литр**. Оғирлиги = **32,640 кг** (= 2,5 кайла = 5 фарақ = 10 маккук = 15 соъ = 30 қист = 40 манн = 60 мудд = 80 ироқий ратл).

<sup>12</sup> Фикҳда ишлатиладиган ратл мана шу ироқий ратлдир.

<sup>13</sup> Бир литрнинг бир килограмм деб ҳисобланишига сув асос қилиб олингани ҳаммага маълум. Аммо кайл ўлчовида асос буғдой, арпа каби дон-дунлардир. Масалан: 0,516 литр ҳажмлик ратл идишига сув солинса, оғирлиги 516 граммга, аммо буғдой, арпа каби дон-дунлар солинса, оғирлиги 408 граммга тенг бўлади. Матнда ҳам ҳажм ўлчовлари вазн ўлчовига айлантирилганида буғдой каби донлар эътиборга олинган.

<sup>14</sup> Икки киши қониб сув ичадиган идиш.

<sup>15</sup> “Соъ” халқ тилида “махтум” (الْمَخْتُومُ) (муҳрланган, тамғаланган, белгиланган) деб ҳам юритилган. Сабаби, илгари пайтда ҳокимлар ўлчовлар ортиб ёки камайиб кетмаслиги учун соъ идишининг юқори қисмига белги тарзида муҳр босишган.

**Қирба** (الْقِرْبَةُ) = 100 ироқий ратл (**51,5625 литр** ≈ **51,600 литр**, оғирлиги = **40,800 кг**) гача бўлган ҳажмдаги сув ёки сутни сиғдирадиган меш<sup>16</sup>.

**Мудий** (الْمُدِيُّ) (Шом<sup>17</sup> ва Миср ўлчов бирлиги) = **61,875 литр**. Оғирлиги = **48,960 кг** (= 15 маккук = 22,5 соъ = 45 қист = 60 манн = 90 мудд = 120 ироқий ратл).

**Ирдаб** (الْإِرْدَابُ) (Ҳижоз ва Миср ўлчов бирлиги) = **66 литр**. Оғирлиги = **52,224 кг** (= 2 қафийз = 4 кайла = 8 фарақ = 16 маккук = 24 соъ = 48 қист = 64 манн = 96 мудд = 96 катта ҳовуч миқдори = 128 ироқий ратл).

**Қулла** (الْقَلَّةُ): 250 ироқий ратл миқдори = **128,90625 литр** ≈ 129 литр. Оғирлиги = **102 кг**.

**Жарийб** (الْحَرَيْبُ) (ҳажм ўлчовида) = **132 литр**. Оғирлиги = **104,448 кг** (= 2 ирдаб = 4 қафийз = 8 кайла = 16 фарақ = 32 маккук = 48 соъ = 96 қист = 128 манн = 192 мудд = 192 катта ҳовуч миқдори = 256 ироқий ратл).

**Васақ**<sup>18</sup> (васк) (الْوَسْقُ) = **165 литр**. Оғирлиги = **130,560 кг** (= 5 қафийз = 10 кайла = 20 фарақ = 40 маккук = 60 соъ<sup>19</sup> = 120 қист = 160 манн = 240 мудд = 240 катта ҳовуч миқдори = 320 ироқий ратл).

**Қинтор** (الْقِنْطَارُ الشَّرْعِيُّ) (шаръий) = **180,46875 литр** ≈ 180,5 литр. Оғирлиги = **142,800 кг** (= 175 манн = 350 ироқий ратл = 1200 уқийя<sup>20</sup> = 4800 араб дирҳами).

**Куру** (الْكُرُّ) (Ҳижозликларнинг энг катта ҳажм ўлчови) = **1980 литр**. Оғирлиги = **1566,720 кг** (= 12 васак = 15 жарийб = 30 ирдаб = 60 қафийз = 120 кайла = 240 фарақ = 480 маккук = 720 соъ = 1440 қист = 1920 манн = 2880 мудд = 2880 катта ҳовуч миқдори = 3840 ироқий ратл).

**Субра**<sup>21</sup> (الصُّبْرَةُ) = Бир тўп озиқ-овқат.

**Ушр нисоби**<sup>22</sup> (نَصَابُ زَكَاةِ الزُّرُوعِ وَالنَّمَارِ) (зироат ва мева-чевалар закотининг нисоби) = **652,800 кг** ≈ 653 кг (= 5 васак = 25 қафийз = 50 кайла = 100 фарақ = 200 маккук

<sup>16</sup> Баъзи мешлар терининг ҳажмига қараб, кичикроқ қилиб ҳам тикилган. Шунга қўра, айрим қирба – мешлар 50 ёки 60 ироқий ратлга тенг бўлиши мумкин. Аммо уларнинг энг каттаси 100 ироқий ратлдан ошмайди.

<sup>17</sup> Шом мамлакати ҳозирда Сурия, Иордания, Ливан ва Фаластин давлатлари жойлашган ерлар.

<sup>18</sup> Бир васак туяга юклаш мумкин бўлган энг оғир юкнинг миқдорига тенг. Бунда туяга ётиб қоладиган даражада кўп юк ортилмайди, балки жониворга жабр қилмаган ҳолда, унинг сафарда бардавом бўлишини эътиборга олиб, юк юкланади. Ана шу юк бир васак дейилган.

<sup>19</sup> Бир васак 60 соъга тенг эканлигига барча фуқаҳолар иттифоқ қилишган.

<sup>20</sup> Убай ибн Каъб Пайғамбаримиздан: “Қинтор 1200 уқийядир” деган ҳадисларини ривоят қилган. Бу ҳисобни Муоз ибн Жабал, Абдуллоҳ ибн Умарлар ҳам айтганлар. Ибн Атийя: “Мана шу ҳисоб энг саҳиҳ”, дейдилар.

<sup>21</sup> Субра ўлчови ноаниқ, вазни номаълум бўлган бир тўп (тўплам, уюм, кучок) озиқ-овқат учун, баъзан бошқа нарсалар учун ҳам ишлатилади.

<sup>22</sup> “Пайғамбаримиз: “Беш васакдан кам миқдордаги деҳқончилик ҳосилида садақа йўқ”, деганлар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насойилар ривояти). Бир васак 60 соъга тенг. Бир соъ 2, 176 кг бўлса, олғмиш соъ 130, 560 кг бўлади. Уни бешга кўпайтирсак 652,800 кг (≈ 653 кг) чиқади. Мана шу ҳадиси шариф асосида жумхур уламолар (Моликий, Шофеъий, Ҳанбалий уламолари ҳамда имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммадлар) беш васакдан кам миқдордаги зироат маҳсулотларидан закот (ушр) олинмайди, дейдилар. Замондош уламоларимиздан баъзилари жумхурнинг қавлини қабул қилишган.

= 300 соъ = 600 қист = 800 манн = 1200 мудд = 1200 катта ҳовуч миқдори = 1600 ироқий ратл).

---

Улар деҳқончилик ҳосилининг нисоби беш васак деб билишади. Демак, зироат-деҳқончилик маҳсулотлари, шу жумладан, асал ҳам 653 кг оғирликка етмагунча, закот чиқарилмас экан. Бу гапдан "Ҳар бир турдаги молдан закот бериш фарз бўлиши учун у мол маълум миқдорга етиши керак", деган қоида чиқади. Ўша маълум миқдор фикҳда "нисоб" деб айтилади. Ҳар бир турдаги молнинг ўзига яраша шариат томонидан тайин қилинган нисоби бор. Мол ўша нисоб – миқдорга етгандагина ундан закот чиқариш фарз бўлади. Фақат, Абу Ҳанифа раҳмагуллоҳи алайҳ зироат маҳсулотларининг озидан ҳам, кўпидан ҳам закот олинади, деб айтганлар" ("Ҳадис ва Ҳаёт", 8-жуз, 1099, 1114-1115, 1133-ҳадислар шарҳига қаранг).

## ВАЗН ВА ҚАДИМГИ ТАНГА ПУЛ ЎЛЧОВЛАРИ

**Фалс** (الْفَلْس) (майда кумуш танга, чака) = **0,0309 гр**  $\approx$  0,04 гр.

**Ҳаббатун шаъйр** (حَبَّةُ الشَّعِيرِ) (ўртача катталиқда битта арпа дони оғирлиғи) ва

**Ҳаббатул қамх** (حَبَّةُ الْقَمَحِ) (ўртача катталиқда битта буғдой дони оғирлиғи) = **0,059 гр**  $\approx$  0,06 гр тилла.

**Ҳабба** (الْحَبَّةُ) = **0,0618 гр**  $\approx$  0,07 гр кумуш (= 2 фалс = 1/48 дирҳам).

**Тассуж** (الطَّسُوجُ) = **0,1236 гр**  $\approx$  0,13 гр (= 2 ҳабба = 4 фалс = 0,25 дониқ).

**Қийрот**<sup>23</sup> (الْقَيْرَاتُ): (қимматбаҳо тошлар ўлчов бирлиғи) = **0,2125 гр**  $\approx$  0,22 гр (= 1/20 динар = 1/14 дирҳам)<sup>24</sup>.

**Дониқ** (الدَّانِقُ) = **0,4944 гр**  $\approx$  0,5 гр (= 4 тассуж = 8 ҳабба = 16 фалс).

**Дирҳам** (الدَّرْهَمُ): (қадимғи кумуш танга) = **2,975 гр**  $\approx$  3 гр (= 14 қийрот = 0,7 мисқол).

**Мисқол** (المِثْقَالُ) = **4,25 гр** (= 20 қийрот = 72 та ўртача катталиқдағи арпа ёки буғдой дони оғирлиғи).

**Динар**<sup>25</sup> (الدِّيْنَارُ): (Бир мисқол оғирлиғида зарб қилинган қадимғи тилла танга) = **4,25 гр**.

**Навот** (النَّوْأَةُ) = **14,875 гр**  $\approx$  14,9 гр (= 3,5 мисқол = 5 дирҳам = 70 қийрот).

**Нашш** (النَّشُّ) = **59,5 гр** (= 20 дирҳам = 0,5 увқийя).

**Увқийя** (الْأَوْقِيَّةُ): Вазни = **119 гр** (= 2 нашш = 8 навот = 28 мисқол = 40 дирҳам = 560 қийрот). Қиймати = 40 дирҳам (кумуш танга).

**Тилла нисоби** (закотда) (نِصَابُ الذَّهَبِ) = **85 гр** тилла (= 20 динар).

**Кумуш нисоби** (закотда) (نِصَابُ الْفِضَّةِ) = **595 гр** кумуш (= 200 дирҳам)<sup>26</sup>.

<sup>23</sup> Карат.

<sup>24</sup> Бу Ҳанафий уламоларининг ҳисоби бўлиб, бошқа ҳисобларга қараганда саҳихроқдир (“Ал-мавсуъатул фикҳийя”).

<sup>25</sup> Аллоҳ таоло ер юзини Ислом нури билан мунаввар қилган пайтда, Арабистон ярим оролида пул бирлиғи шаклида олтин ва кумуш тангалар ишлатилар эди. Тилло тангалар “динар” деб, кумуш тангалар “дирҳам” деб аталарди. Динар воситасида асосан Рум томони билан, дирҳам ёрдамида эса форслар билан савдо-сотик ишлари олиб борилар эди.

<sup>26</sup> Пайғамбар алайҳиссалом даврларида 20 динар (20 мисқол тилла) билан 200 дирҳам (200 кумуш танга)нинг қиймати тенг бўлган. Ўша вақтда ушбу миқдордағи пул бир оиланинг бир йиллик харажатларига бемалол етган. Ўша миқдорда пулга эга бўлган киши бой ҳисобланган.



## И Л О В А

Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврларида энг машхур, асосий кайл (ҳажм, идиш) ўлчов birlikлари “мудд” билан “соъ” бўлган. Бошқа барча кайл ўлчовлари бу иккисига таянган бўлиб, ё уларнинг бир бўлаги ёки кўпайтирмаси саналади.

Бир соънинг тўрт муддга тенг эканига барча уламолар иттифоқ қилишган. Фақат, “мудд”нинг миқдорида икки хил ҳисоб машхурдир. Жумхур (кўпчилик) уламолар (Ҳижоз фуқаҳолари, Мадина аҳли, имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад ибн Ҳанбал, имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммадлар) 1 мудд = 1,33 ироқий ратл (544 гр) деб ҳисоблашган. Шунда, 1 соъ = 2,176 кг бўлади. (Имом Муҳаммаднинг бу масалада имом Абу Юсуф билан ҳамфикр бўлганини Мулла Али қори Ҳанафий “Мухтасарул виқоя”нинг шарҳи “Ниқоя”да, “Фитр садақаси” бобида таъкидлаб ўтганлар).

Фақат Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ва бир гуруҳ Ироқ фақиҳлари, 1 мудд = 2 ироқий ратл (816 гр), деганлар. (“Бир гуруҳ Ироқ фақиҳлари” дейишимизнинг боиси, “Ҳидоя”нинг ҳошиясида: (وهو قول جماعة من العراق) “Бу бир гуруҳ Ироқ фақиҳларининг сўзидир”, дейилган). Буларнинг ҳисобида, 1 соъ = 3,264 кг бўлади.

Энди, жумхур (кўпчилик) уламоларнинг далиллари кучли, ҳисоблари машхур бўлгани учун ҳам биз уларникини олдик, яъни, 1 мудд = 1,33 ироқий ратл (544 гр), 1 соъ = 2,176 кг.

Шайх Зафар Аҳмад Таҳонавий: “Жумхур уламоларнинг мазкур ҳисоби ривоят жиҳатидан кучлироқдир. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг гапида эса, эҳтиёткорлик бор”, деган (“Эълоус сунав”, 9-жуз).

Имом Абу Юсуф айтадилар: “Ҳаждан сўнг Мадинага борганимда, улардан соъ миқдорини сўрадим. Улар: “Мана Пайғамбаримизнинг соълари”, деб кўрсатишди. Мен улардан хужжат талаб қилдим. Эртасига муҳожир ва ансорларнинг фарзандларидан элликка яқин қария ридолари остида соъ идишларини олиб келдилар-да, ҳар бири ўзини, отасини ва аҳли байтини таништириб: “Бу Пайғамбаримиз давриларидаги соъ бўлиб, боболаримиз фитр садақаси каби тўловларни Пайғамбаримиз ҳузурларига (яъни, масжиди набавийга) мана шу соъ идишларида олиб боришар эди. Бу соъ менга ота-бобомдан мерос бўлиб қолган”, дер эди. Эътибор берсам, ҳаммаларининг соълари бир хил – 5,33 ироқий ратл (2,176 кг) экан”. (Шайх Зафар Аҳмад Таҳонавий, “Эълоус сунав”, 9-жуз. Имом Зайлаъий Ҳанафий, “Насбур роя ли-аҳодисил Ҳидоя”, 2-жуз. Мулла Али қори Ҳанафий, “Ан ниқоя шарҳу мухтасарил виқоя”, 1-жуз. Имом Байҳақий “жайид” санад ила ривоят қилган).

Шайх Муҳаммад Содик ҳазратлари ўз китобларида кайл-ҳажм ўлчовларини жумхур уламоларнинг мазкур ҳисобига кўра баён қиляптилар. Масалан: “Ҳадис ва Ҳаёт” китоби, 4-жузи, 220-ҳадисда: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бир соъдан беш муддгача (бўлган сув) билан ғусл қилар эдилар ва бир мудд билан таҳорат қилар эдилар”, дейилган (Бешовлари ривоят қилишган). Шарҳ: “Соъ” – 2,750 литр сув сиғадиган идиш. Бир мудд

эса 0,688 литр бўлади. Демак, Пайғамбаримиз камида 2,750 литр сув билан, кўпида 3,440 литр сув билан ғусл қилганлар ва 0,688 литр сув билан таҳорат олганлар”.

Яна “Ҳадис ва Ҳаёт”нинг 8-жузидаги 1139-ҳадисга ва унинг шарҳига эътибор беринг: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Вазн (оғирлик ўлчови) Макка аҳлининг вазни, Микёл (ҳажм-идиш ўлчови) эса, Мадина аҳлининг ўлчовидир”, дедилар” (Насоий ва Абу Довуд ривоят қилишган). Шарҳ: Макка аҳли тижорат аҳли бўлганлари учун тош-тарози билан иш юритишга уста бўлишган ва тош-тарозилари яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун вазнга иш тушган пайтда Макканинг вазнига мурожаат қилингани яхши.

Мадина аҳли зироат, деҳқончилик билан машғул бўлганлари учун уларда донларни идиш билан ўлчаш яхши йўлга қўйилган. Уларда мудд, қадах, соъ каби аниқ ўлчовли идишлар бўлиб, тўғри ўлчов гарови ҳисобланган. Шунинг учун дон ва донга ўхшаш маҳсулотларни ўлчашда Мадина аҳлининг ўлчов идишлари қўлланса яхши бўлади”.

Бизнингча, фитр садақасини ярим соъ эмас, бир соъ миқдорида бериш керак бўлади!

Соънинг миқдори ҳақида қўшимча маълумот учун:

“Ал-мавсуъатул фикҳийя” (Ислом фикҳи комуси).

“Насбур роя ли-аҳодисил Ҳидоя”, 2-жуз, Имом Зайлаъий Ҳанафий.

“Тухфатул аҳвазий фий шарҳи жомеъит Термизий”, 1-жуз, Шайх Муҳаммад Абдурахмон Муборакфурий.

“Ан ниқоя шарҳу мухтасарил виқоя”, Мулла Али қори Ҳанафий.

“Эълоус сунан”, 9-жуз, Шайх Зафар Аҳмад Таҳонавий Ҳанафий.

### «الموسوعة الفقهية»

والصَّاع في اصطلاح الفقهاء: مكيال يكال به في البيع والشراء وتقدر به كثير من الأحكام الشرعية. قال الفيومي: هو مكيال، وصاع النبي صلى الله عليه وسلم الذي بالمدينة أربعة أمداد، وذلك خمسة أرتالٍ وثلاث بالبغدادي، وقال أبو حنيفة: الصَّاع ثمانية أرتالٍ. اشتهر في الصَّيعان لدى الفقهاء صاعان الأول: صاع أهل المدينة، ويسمى بالصَّاع الحجازي، والثاني: صاع أهل العراق، ويسمى بالصَّاع الحجاجي، أو الففيز الحجاجي، أو الصَّاع البغدادي، والأول أصغر من الثاني، وقد نصب جمهور الفقهاء إلى أن الصَّاع الشرعي الذي تقدر به الأحكام الشرعية المنوطة بالصَّاع هو الصَّاع الأصغر.

### «نُصِبُ الرَّايَةِ لِأَحَادِيثِ الْهَدَايَةِ»

للامام الحافظ العَلَّامة جمال الدين أبي محمد عبد الله بن يوسف الزَيْلَعِي الحَنْفِيّ

قال عليه السلام: «صاعنا أصغر الصيعان»، قلت: غريبٌ. رَوَى ابنُ حِبَّانٍ في "صحيحه" عن أبي هريرة أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قيل له: يا رسول الله، صاعنا أصغر الصيعان، ومُدنا أكبر الأمداد، فقال: «اللهم بارك لنا في صاعنا، وبارك لنا في قليلنا وكثيرنا، واجعل لنا مع البركة بركتين»، انتهى. قال ابن حبان: وفي ترك المصطفى عليه السلام الإنكارُ عليهم، حيث قالوا: صاعنا أصغر الصيعان، بيانٌ واضحٌ أن صاع المدينة أصغر الصيعان، ولم نجد بين أهل العلم إلى يومنا هذا خلافاً في قدر الصاع، إلا ما قاله الحجازيون، والعراقيون، فزعم الحجازيون أن الصاع خمسة أرتالٍ وثلاث، وقال العراقيون: ثمانية أرتالٍ، فصح أن صاع النبي عليه السلام كان خمسة أرتالٍ وثلاثاً، إذ هو أصغر الصيعان، وبطل قول من زعم: أن الصاع ثمانية أرتالٍ من غير دليل ثبت على صحته، انتهى. وأخرج الدارقطني في "سننه": عن عمران بن موسى الطائي حدثنا إسماعيل بن سعيد الخراساني حدثنا إسحاق بن سليمان الرازي، قال: قلت لمالك بن أنس: يا أبا عبد الله، كم وزن صاع النبي عليه السلام؟ قال: خمسة أرتالٍ وثلاث بالعراقي، أنا حزرته. قلت: يا أبا عبد الله خالفت شيخ القوم، قال: من هو؟ قلت: أبو حنيفة رضي الله عنه، يقول: ثمانية أرتالٍ، فغضب غضباً شديداً، وقال: قاتله الله، ما أجرأه على الله، ثم قال لبعض جلسائه: يا فلان هات صاع جدك، ويا فلان هات صاع عمك، ويا فلان هات صاع جدتك، فاجتمعت أصوع، فقال مالك: تحفظون في هذه؟ فقال أحدهم: حدثني أبي عن أبيه أنه كان يؤدي بهذا الصاع إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم، وقال الآخر: حدثني أبي عن أخيه أنه كان يؤدي بهذا الصاع إلى رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال مالك: أنا حزرت هذه، فوجدتها خمسة أرتالٍ وثلاثاً، قلت: يا أبا عبد الله أحدثك بأعجب من هذا عنه: أنه يزعم أن صدقة الفطر نصف صاع، والصاع ثمانية أرتالٍ، فقال: هذه أعجب من الأولى، بل صاع تام عن كل إنسان، هكذا أدركنا علماءنا ببلدنا هذا، انتهى. قال صاحب "التنقيح": إنساده مُظْلَمٌ، وبعض رجاله غير مشهورين. والمشهور ما أخرجه البيهقي عن الحسين بن الوليد القرشي وهو ثقة، قال: قدم علينا أبو يوسف رحمه الله من الحج، فقال: إني أريد أن أفتح عليكم باباً من العلم أهمني، ففحصت عنه، فقدمت المدينة، فسألت عن الصاع فقال: صاعنا هذا صاع رسول الله صلى الله عليه وسلم، قلت لهم: ما حجتكم في ذلك؟ فقالوا: نأتيك بالحجة غداً، فلما أصبحت أتاني نحو من خمسين شيخاً من أبناء المهاجرين والأنصار، مع كل رجل منهم الصاع تحت رداءه، كل رجل منهم يخبر عن أبيه وأهل بيته، أن هذا صاع رسول الله صلى الله عليه وسلم، فنظرت فإذا هي سواء، قال: فعيرته، فإذا هو خمسة أرتالٍ وثلاث، بنقصان يسير، فرأيت أمراً قوياً، فتركت قول أبي حنيفة رضي الله عنه في الصاع، وأخذت بقول أهل المدينة، هذا هو المشهور من قول أبي يوسف رحمه الله. وقد رَوَى أن مالكا ناظره، واستدل عليه بالصيعان التي جاء بها أولئك الرهط، فرجع أبو يوسف إلى قوله. وقال عثمان بن سعيد الدارمي: سمعتُ عليَّ ابن المديني يقول: عيرت صاع النبي عليه السلام، فوجدته خمسة أرتالٍ وثلاث رطل بالتمر، انتهى كلامه. وأخرج الحاكم في "المستدرک" عن هشام بن عروة عن أمه أسماء بنت أبي بكر رضي الله عنهما أنها

حدثته أنهم كانوا يخرجون زكاة الفطر في عهد رسول الله صلى الله عليه وسلم بالمد الذي يقتات به أهل المدينة، أو الصاع الذي يقتات به، يفعل ذلك أهل المدينة كلهم، انتهى. وقال: حديث صحيح على شرط الشيخين، ولم يخرجاه، وهو الحجة لمناظرة مالك، وأبي يوسف رحمهما الله تعالى، انتهى. واستدل ابن الجوزي في "التحقيق" للشافعي، وأحمد في أن الصاع خمسة أرطال وثلث، بحديث كعب بن عجرة في الفدية أن النبي عليه السلام، قال له: «صم ثلاثة أيام، أو أطعم ستة مساكين: لكل مسكين نصف صاع»، رواه البخاري، ومسلم، وفي لفظ لهما: فأمره رسول الله صلى الله عليه وسلم، أن يطعم فرقاً بين ستة، أو يهدي شاة، أو يصوم ثلاثة أيام، قال: فقوله: نصف صاع حجة لنا، قال ثعلب: والفرق: اثنا عشر مداً، وقال ابن قتيبة: الفرق: ستة عشر رطلاً، والصاع ثلث الفرق، خمسة أرطال وثلث، والمد: رطل وثلث، انتهى. وأخرج الطحاوي عن أبي يوسف، قال: قدمت المدينة، فأخرج إليّ من أتق به صاعاً، وقال: هذا صاع النبي عليه السلام، فوجدته خمسة أرطال وثلثاً، قال الطحاوي: وسمعت ابن أبي عمران يقول: الذي أخرجه لأبي يوسف هو مالك، انتهى.

رُوى أن النبي عليه السلام كان يتوضأ بالمد: رطلين، ويغسل بالصاع: ثمانية أرطال، قلت: روى من حديث أنس، ومن حديث جابر. فحديث أنس: أخرجه الدارقطني في "سننه" من ثلاثة طرق: أحدها: في صدقة الفطر عن جعفر بن عون عن ابن أبي ليلى، ذكره عن عبد الكريم عن أنس، قال: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يتوضأ بالمد: رطلين، ويغتسل بالصاع: ثمانية أرطال، انتهى. الطريق الثاني: رواه في "الطهارة" عن موسى بن نصر الحنفي حدثنا عبدة بن سليمان عن إسماعيل بن أبي خالد عن جرير ابن يزيد عن أنس، نحوه، قال الدارقطني: تفرد به موسى بن نصر، وهو ضعيف الحديث، انتهى. الطريق الثالث: أخرجه في "الزكاة" عن صالح بن موسى الطلحي حدثنا منصور بن المعتمر عن إبراهيم عن الأسود عن عائشة رضي الله عنها، قالت: جرت السنة من رسول الله صلى الله عليه وسلم في الغسل من الجنابة، صاع من ثمانية أرطال، وفي الوضوء رطلان، وقال: لم يروه عن منصور غير صالح، وهو ضعيف الحديث، انتهى. وضَعَفَ البيهقي هذه الأسانيد الثلاثة، وقال: الصحيح عن أنس بن مالك أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان يتوضأ بالمد، ويغتسل بالصاع إلى خمسة أمداد، انتهى كلامه. وأما حديث جابر: فأخرجه ابن عدى في "الكامل" عن عمر بن موسى بن وجيه الوجيهي عن عمرو بن دينار عن جابر، قال: كان النبي عليه السلام يتوضأ بالمد: رطلين، ويغتسل بالصاع: ثمانية أرطال، انتهى. وضعف عمر بن موسى هذا عن البخاري، والنسائي، وابن معين، ووافقهم، وقال: إنه في عداد من يضع الحديث، انتهى. والحديث في "الصحيحين" عن أنس: ليس فيه الوزن، قال: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يتوضأ بالمد، ويغتسل بالصاع، وأخرجه مسلم عن سفيانة، قال: كان النبي عليه السلام يغتسل بالصاع من الماء من الجنابة، ويتوضأ بالمد، انتهى.

### «تحفة الاحوذى في شرح جامع الترمذى»

#### للشيخ مُحَمَّدَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ ابْنَ الْحَافِظِ عَبْدِ الرَّحِيمِ الْمُبَارَكْفُورِيِّ

قوله: { كَانَ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ } قَالَ الْحَافِظُ فِي فَتْحِ الْبَارِي: الْمُدُّ بِضَمِّ الْمِيمِ وَتَشْدِيدِ الدَّالِ إِنَاءً يَسَعُ رَطْلًا وَثُلُثًا بِالْبَعْدَادِيِّ، قَالَهُ جُمُهورُ أَهْلِ الْعِلْمِ، وَخَالَفَ بَعْضُ الْحَنَفِيَّةِ فَقَالُوا الْمُدُّ رَطْلَانِ. وَقَالَ الْعَيْنِيُّ فِي عُمدَةِ الْفَارِي: «وَهُوَ أَيُّ الْمُدِّ رَطْلَانِ عِنْدَ أَبِي حَنِيفَةَ، وَعِنْدَ الشَّافِعِيِّ رَطْلٌ وَثُلُثٌ بِالْعِرَاقِ، وَأَمَّا الصَّاعُ فَعِنْدَ أَبِي يُوسُفَ خَمْسَةُ أَرْطَالٍ وَثُلُثُ رَطْلٍ عِرَاقِيَّةٍ، وَبِهِ قَالَ مَالِكٌ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ، وَقَالَ أَبُو حَنِيفَةَ: الصَّاعُ ثَمَانِيَةُ أَرْطَالٍ» انْتَهَى. وَقَالَ الْعَيْنِيُّ مُعْتَرِضًا عَلَى الْحَافِظِ مَا لَفْظُهُ: مَذْهَبُ أَبِي حَنِيفَةَ أَنَّ الْمُدَّ رَطْلَانِ، وَمَا خَالَفَ أَبُو حَنِيفَةَ أَصْلًا لِأَنَّهُ يَسْتَدِلُّ فِي ذَلِكَ بِمَا رَوَاهُ جَابِرٌ قَالَ: «كَانَ النَّبِيُّ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ رَطْلَيْنِ وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ ثَمَانِيَةَ أَرْطَالٍ» أَخْرَجَهُ ابْنُ عَدِيٍّ، وَبِمَا رَوَاهُ أَنَسٌ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ يَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ رَطْلَيْنِ، وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ ثَمَانِيَةَ أَرْطَالٍ» أَخْرَجَهُ الدَّارِقُطْنِيُّ. انْتَهَى كَلَامُ الْعَيْنِيِّ. قُلْتُ: هَذَانِ الْحَدِيثَانِ ضَعِيفَانِ لَا تَقُومُ بِهِمَا الْحُجَّةُ، أَمَّا حَدِيثُ جَابِرٍ فَأَخْرَجَهُ ابْنُ عَدِيٍّ فِي الْكَامِلِ عَنْ عِمْرَانَ بْنِ مُوسَى بْنِ وَجِيهِ الْوَجِيهِيِّ عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ عَنْهُ، وَضَعَفَ عِمْرَانَ بْنَ مُوسَى هُنَا عَنِ الْبُخَارِيِّ وَالنَّسَائِيِّ وَابْنِ مَعِينٍ وَوَأَقْفَهُمْ وَقَالَ إِنَّهُ فِي عِدَادِ مَنْ يَضَعُ الْحَدِيثَ كَذَا فِي نَصْبِ الرَّايَةِ، وَقَالَ الْحَافِظُ فِي الدَّرَايَةِ: فِيهِ عِمْرَانُ بْنُ مُوسَى وَهُوَ هَالِكٌ.

انتهى. وأما حديث أنس فقال الحافظ في الدراية بعد ذكره: هو من رواية ابن أبي ليلى عن عبد الكريم عن أنس وإسناده ضعيف، وأخرجه أيضاً من طريق أخرى وفيه موسى بن نصر وهو ضعيف جداً، والحديث في الصحيحين عن أنس ليس فيه ذكر الوزن. انتهى كلام الحافظ. وقال الزيلعي في نصب الرأية: أخرجه الدارقطني في سننه من ثلاثة طرق ثم ذكرها ثم قال: وضعف البيهقي هذه الأسانيد الثلاثة، وقال: الصحيح عن أنس بن مالك «أن رسول الله كان يتوضأ بالماء ويعتسل بالصاع إلى خمسة أمداد». انتهى كلام الزيلعي. والعجب من العيني أنه استدلل لأبي حنيفة بهذين الحديثين الضعيفين ولم يذكر ما فيهما من المقال الذي يسقطهما عن الاحتجاج. واستدل لأبي حنيفة بما رواه الدارقطني عن صالح بن موسى الطلحي: حدثنا منصور بن المعتبر عن إبراهيم عن عائشة قالت: «جرت السنة من رسول الله في الغسل من الحنابة صاع من ثمانية أرطال وفي الوضوء رطلان» وهذا الحديث أيضاً ضعيف، قال الدارقطني بعد روايته: لم يروه عن منصور غير صالح وهو ضعيف الحديث. انتهى. والحاصل: أنه لم يقم دليل صحيح على ما ذهب إليه أبو حنيفة من أن المدة رطلان لذلك ترك الإمام أبو يوسف مذهبه واختار ما ذهب إليه جمهور أهل العلم أن المدة رطل وتُثَلَّث رطل، قال البخاري في صحيحه: باب صاع المدينة ومد النبي وبركته وما توارث أهل المدينة من ذلك قرناً بعد قرن. انتهى. وأخرج الطحاوي في شرح الآثار، قال: حدثنا ابن أبي عمير قال أخبرنا علي بن صالح ويشر بن الوليد جميعاً عن أبي يوسف قال: قدمت المدينة فأخرجني إلى من أتى به صاعاً فقال هذا صاع النبي فقدرته فوجدته خمسة أرطال وتُثَلَّث رطل، وسمعت ابن أبي عمير يقول: يقال إن الذي أخرج هذا لأبي يوسف هو مالك بن أنس. انتهى. وقال الحافظ في التلخيص الحبير: قوله الدليل على أن الصاع خمسة أرطال وتُثَلَّث فقط ينقل أهل المدينة خلفاً عن سلف ولمالك مع أبي يوسف فيه قصة مشهورة، والقصة رواها البيهقي بإسناد جيد، وأخرج ابن خزيمة والحاكم من طريق عروة عن أسماء بنت أبي بكر أمهم كانوا يخرجون زكاة الفطر في عهد رسول الله بالمدة الذي يقتات به أهل المدينة، وللبخاري عن مالك عن نافع عن ابن عمر أنه كان يعطي زكاة رمضان على عهد النبي بالمدة الأولى. وقال الزيلعي في نصب الرأية: والمشهور ما أخرجه البيهقي عن الحسين بن الوليد القرشي - وهو ثقة - قال: قدم علينا أبو يوسف من الحج فقال إني أريد أن أفتح عليكم باباً من العلم أهمني ففحصت عنه فقدمت المدينة فسألت عن الصاع فقالوا صاعنا هذا صاع رسول الله قلت لهم ما حجتكم في ذلك فقالوا نأتيتك بالحجة غداً فلما أصبحت أتاني نحو من خمسين شيخاً من أبناء المهاجرين والأنصار مع كل رجل منهم الصاع تحت رداءه، كل رجل منهم يخبر عن أبيه وأهل بيته أن هذا صاع رسول الله فنظرت فإذا هي سواها، قال فعيرته فإذا هو خمسة أرطال وتُثَلَّث بنقصان يسير فرأيت أمراً قوياً فتركت قول أبي حنيفة في الصاع وأخذت بقول أهل المدينة. هذا هو المشهور من قول أبي يوسف. وقد روي أن مالكاً ناظره واستدل عليه بالصيغان التي جاء بها أولئك الرهط فرجع أبو يوسف إلى قوله، وقال عثمان بن سعيد الدارمي سمعت علي بن المديني يقول: غيرت صاع النبي فوجدته خمسة أرطال وتُثَلَّث رطل بالثمر. انتهى ما في نصب الرأية.

#### «التفافية شرح مختصر الوقاية»

#### للعلامة المحقق علي بن محمد سلطان المعروف بملاً علي القاري الحنفي

وقيل: أبو يوسف وجد الصاع خمسة أرطال وتُثَلَّث برطل المدينة، وأبو حنيفة يقول: الصاع ثمانية أرطال بالبغدادية: وهي تعديل خمسة أرطال وتُثَلَّث بالمديني، لأن الرطل المديني ثلاثون إستاراً، والبغدادية عشرون إستاراً، والإستار - بكسر الهمزة - ستة دراهم ونصف، وهو الأشبه، لأن محمداً لم يذكر في المسألة خلاف أبي يوسف، ولو كان لذكره على المعتاد، وهو أعرف بمذهبه، وحاصله أن النزاع لفظي، والحق أنه تحقيقي يحتاج إلى أمر توفيق. وأما قول صاحب «الهداية»: والصاع عند أبي حنيفة ومحمد ثمانية أرطال بالعراقي، وقال أبو يوسف: خمسة أرطال وتُثَلَّث رطل، وهو قول الشافعي، لقوله عليه الصلاة والسلام: «صاعنا أصغر الصيغان»، فليس بمعروف. نعم روى ابن حبان عن العلاء عن أبيه عن أبي هريرة: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قيل له: «يا رسول الله صاعنا أصغر الصيغان، ومُدنا أكبر الأمداد»، فقال عليه الصلاة والسلام: «اللهم بارك لنا في صاعنا، وبارك لنا في قليلنا وكثيرنا،

واجعل لنا مع البركة بركاتين». قال ابن حبان: وفي تركه عليه الصلاة والسلام الإنكار عليهم حيث قالوا: «صاعنا أصغر الصيعان»، بيان واضح أن صاع المدينة أصغر الصيعان. إنتهى.

«إغلاء السنن»

للشيخ ظفر أحمد العثماني التهانوي

ولعل الأقرب أن يُقال: أن الأقوى رواية هو ما ذهب إليه الجمهور والأحوط هو ما ذهب إليه أبو حنيفة.

Интернет учун Абу Муслим тайёрлади